

ТАЪЛИМНИНГ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИДА ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

Шахноза Мирзаахмадовна Мирзарахмонова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

АННОТАЦИЯ

Мақолада таълимнинг инновацион кластерида таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси орқали ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш, ўқув жараёнида амалий фаолият билан шуғулланиш орқали таълим сифатини ошириш ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: таълим тизими, имконият, дуаллик, амалиёт, интеграция, технология, жараён, ўқувчи, касб, субъект.

FUNDAMENTALS OF THE ORGANIZATION OF DUAL EDUCATION IN THE INNOVATIVE CLUSTER OF EDUCATION

Shakhnoza Mirzaakhmadovna Mirzarakhmonova

Master student of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

The article examines the professional orientation of students through the integration of education and production into the innovative cluster of education, improving the quality of education through practical activities in the educational process.

Keywords: learning system, opportunity, duality, practice, integration, technology, process, reader, profession, subject.

КИРИШ

Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти олиб борилаётган таълим ислохотларининг такомиллашиб боришига боғлиқ. Бугунги кунда таълим ислохотларининг жаҳон тажрибаларига таянган ҳолда олиб борилиши, келгусида таълим сифатининг ошишига хизмат қилади. Президентимизнинг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида “Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида

тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади” деб алоҳида таъкидланган[1]. Ҳаракатлар стратегиясида меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнат ва тadbиркорлик фаоллигини тўлиқ амалга ошириш учун шароитлар яратиш, ишчи кучи сифатини яхшилаш, ишга муҳтож шахсларни касбга тайёрлаш тизимини кенгайтириш вазифалари белгиланган.

МЕТОДОЛОГИЯ

Касб-ҳунар таълими тизимининг ҳозирги ривожланиш босқичининг энг муҳим жиҳати - бу *бир томондан*, касб-ҳунар таълими тизимининг таркибидаги ўзгаришларни, *иккинчидан*, касб-ҳунар таълими тизимининг ўзаро таъсир жараёнларини акс эттирадиган интеграцион жараёнлардир. Айнан касб-ҳунар таълими тизимига янгича ёндашиш келажақдаги юқори малакали мутахассисларни сифатли тайёрлашни таъминлайди[4].

Мамлакатимизда юқори технологияли саноат талабларига жавоб берадиган ишчиларни тайёрлаш орқали ҳудудларининг инвестиция жозибадорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш воситаларидан бири бу икки томонлама ўқитиш тизимидир.

Дуаллик "иккилик", "битта ташкилий яхлитлик" маъносини англатади. Ушбу таълим шакли ижтимоий шерикликнинг маҳсули сифатида пайдо бўлди, бу меҳнат бозори талабларига мувофиқ юқори малакали кадрларни тайёрлаш бўйича давлат ва иш берувчилар ўртасидаги яқин ҳамкорлик механизми ҳисобланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Дуал таълим тизимининг афзаллиги мутахассисларни тайёрлаш учун ўқув ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро алоқасида муҳим ўрин даражадаги амалий йўналиш ва натижада битирувчиларнинг бандлигини таъминлайди[5].

Дуал таълим тизимининг самарали натижа бериши ва ҳозирги кунда бозор иқтисодиётидан келиб чиқиб меҳнат бозорига сифатли кадрларни етказиб бериш охириги йилларда юртимизда муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Шу ўринда “Таълим тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ёшларнинг касблар ва мутахассисликларни эгаллашга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш учун кенг имкониятлар яратиш ҳамда профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш мақсадида

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 март №163 сонли “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари хақида “ ги қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, 2021/2022 ўқув йилидан профессионал таълим тизимида дуал таълим ташкил этилади. Дуал таълим – бу таълимни ўз йўналишига мос ташкилотда меҳнат қилиш билан бирга олиб борувчи тизимдир[2].

Дуал таълимни ташкил этиш учун ҳокимликлар ва манфаатдор вазирликлар томонидан ўрта бўғин кадрларига бўлган эҳтиёж аниқланади ва таклиф тайёрланади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳар йили 1 июлгача дуал таълим бўйича кадрлар тайёрланадиган таълим муассасаларини белгилайди. Танланган таълим муассасалари белгиланган квоталар бўйича ўқувчиларни қабул қилади. Таълим муассасалари кадрларга эҳтиёжи бўлган ташкилотлар билан шартнома тузади. Шартнома ташкилот ва ўқувчи ўртасида ҳам тузилади. Бунда ўқувчи учун ташкилотда муайян иш ўрни ажратилади. Ўқувчилар бир ҳафтада камида икки кун таълим олади қолган кунлар ишлайди. Ўқувчига ишлаган кунлари учун иш ҳақи тўланади.

Ўқувчилар учун дуал таълим - бу билим олиш учун ажойиб имконият барқарорлик ва келажакка ишонч. Ушбу тизим таълим олувчиларнинг касбий ва меҳнат фаолиятига мослашишларида муҳим ўрин тутаяди. Шунингдек, ўқувчиларда касбий масъулият ва жавобгарлик ҳиссини ошириб, меҳнат жамоасига осон мослашиш имконини беради. Таълим муассасаларида ўқувчилар ишлаб чиқариш тўғрисида фақат назарий тушунчаларга эга бўлиб, кейинчалик меҳнат фаолиятига амалий мослашишлари қийин кечади. Шундай қилиб ҳамкорликдаги икки томонлама таълим ўқувчиларни келгусидаги муваффақиятлари учун таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилади. Дуал таълимни касб-ҳунар таълими ташкилотларининг ўқув жараёнига жорий этиш уларнинг истиқболли келажакга учун қўйилдиган энг муҳим қадам саналади[3].

Бунда, мустақил фаолият кўрсатувчи корхона (ташкилот)лар дуал таълим жорий этиш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига таклиф киритишлари мумкин.

Дуал таълим ташкил этиладиган профессионал таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланади. Дуал таълим ташкил этилиши кўзда тутилаётган таълим муассасалари имкониятлари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланган экспертлар иштирокида ўрганилиши мумкин.

Кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклида таълим олаётган ўқувчилар дуал таълимга ўқишини кўчириш тақиқланади. Шунингдек, Таълим муассасаси ва корхона (ташкilot) ўртасида ёки корхона (ташкilot) ва ўқувчи (лар) ўртасида тузилган шартнома бекор қилинганда ўқувчи(лар) ўқиши мос таълим даражасидаги кундузги таълим шаклига ўтказилади. Дуал таълимда ўқувчилар тўлов-контракт ёки давлат буюртмаси бўйича давлат гранти асосида таълим олишлари мумкин. Тўлов-контракт миқдори тизимида Таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

ХУЛОСА

Лойиҳада билдирилишича, дуал таълимни ташкил этишнинг мақсад – Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш, йирик ва кичик бизнес субъектларида аҳоли, айниқса ёшлар ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш учун меҳнат фаолияти билан таълимни уйғунлашган ҳолда ташкил этиш орқали малакали кадрлар тайёрлаш ҳисобланади.

Маълумот учун: Дуал таълим – таълим дастурининг назарий, ўқув-амалий қисми профессионал таълим муассасасида, малака ҳамда компетенцияларни шакллантириш бўйича ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисм корхона (ташкilot)да ташкил этиладиган ўқитиш тури;

Дуал таълим дастури эса таълим муассасаси ва корхона (ташкilot)да битирувчига муайян касб ёки мутахассислик бўйича касбий фаолиятни малакали бажаришга қаратилган профессионал таълим тайёргарлигининг асосий мазмунини белгиловчи таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа, ўқув дастур (модул)лари, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти дастурларидан иборат ҳужжатлар тўпламидир.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 март №163 сонли “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида “ ги қарори.

3. Синицын Ю. Н. Дуальное обучение как часть постиндустриального образования. “Дуальное образование: опыт, проблемы, перспективы” Всероссийский научно практическая конференция. Краснодар 2019 г. Ст 6-11.
4. Karaev S.B. Improvement of Vocational Training of Pupils in Secondary Schools International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 01, 2020 ISSN: 1475-7192 1734-1742 page.
5. Терещенкова Е.В. Дуальная система образования как основа подготовки специалистов // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2014. – № 4 (апрель). – С. 41–45.